

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БАЙНИЯЗОВА ТАЗАГУЛ ҚЫРҚБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

**Филология бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Байниязова Тазагул Қыркбаевна

Қорақалпоқ адабиётшунослигининг шаклланиши ва
ривожланиш тенденциялари.....3

Байниязова Тазагуль Қыркбаевна

Тенденции формирования и развития каракалпакского
литературоведения.....25

Bayniyazova Tazagul Kyrkbaevna

Trends of formation and development of the Karakalpak Literary
Study.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....51

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БАЙНИЯЗОВА ТАЗАГУЛ ҚЫРҚБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Филология бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil265 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (karsu_info@edu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Оразымбетов Кууанышбай Келимбетович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуржанов Пердебай Ержанович
филология фанлари доктори, доцент

Бекбергенова Мария Досбергеновна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи муассаса:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc/PhD.03/30.12.2019.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «12» март кунги соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел.: (99861) 223-59-25; факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (21 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25, email: karsu_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «6» март кuni тарқатилди. (2021 йил «6» март даги 3 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Абдиназимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Г.Е.Карлыбаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Қ.Қ.Жаримбетов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшиқчи илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида бадий сўз санъатида глобал интеграция ва интенсив ривожланиш жараёнлари, яқка миллатнинг воқелик воқеа ва ходисаларини, инсон руҳиятини поэтик сўз воситасида акс эттириши, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий шароит билан узвий алоқадорлик масаласини ўрганиш асосида юзага келган илмий фикрлашни яхлит система сифатида объектив тарзда тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга. Адабий жараённи ўрганиш муҳим адабий-назарий масалаларнинг ечим топишига олиб келди ва бу борадаги тўпланган ижобий тажриба ҳозирги кунда адабиётшуносликнинг бебаҳо манбасига айланди.

Дунё адабиётшунослигида адабиётни илмий асосда ўрганиш, юзага келган назарий фикрларни, тарихий-адабий хулосаларни, илмий концепцияларни системалаштиришда, уларга тафсиф беришда ҳамда илмий-назарий жиҳатдан баҳолашда, миллий адабиёт ҳақидаги илмнинг тадрижини тадқиқ этишда муайян даражада натижаларга эришилган. Фан ва инфор­мацион технологияларнинг жадал ривожланиши, уларнинг мамлакат ва жамият турмушидаги ро­лининг ор­тиб бориши илм-фан тараққиёти истиқболларини белгилаб олиш заруратини тақозо этади.

Маълумки, адабиётшунослик яхлит илмий-тадқиқот методологик тамойиллари тизими асосида бадий сўзнинг моҳияти ва ижтимоий функциясини объектив тарзда ўрганиш, адабий жараён­даги муайян қонуниятларни тадқиқ этиш, асарнинг бадий-эстетик қийматини асослаш вази­фаларини бажаради. Қарийб бир асрлик тарихга эга қорақалпоқ адабиётшунослигининг шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини ҳалигача ҳартомонлама теран ўрганиш марказига олинмаганлиги бу муаммонинг долзарблигини таъминлайди. Зеро «дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустақкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 16-февралдаги ПФ-4958-сон «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Олий ўқув юртларидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш ҳақида»ги Фармони, 2020-йил 2-мартдаги ПФ-5953-сон 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фан, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид мамлакат дастури ҳақида, 2017-йил 18-апрелдаги ПФ-№2894-сон «Алишер Навои номидаги Ўзбекистон миллий боғида Адиблар хиёбонини ташкиллаштириш ҳақида»ги фармони, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-№5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий талим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги,

¹ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 523.

шунингдек 2017-йил 17-февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолиятини, илмий-тадқиқот ишларини ташкиллаштириш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш тадбирлари ҳақида»ги Қарори ва бошқа да норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида мазкур илм-фан соҳасининг тадрижий йўлини тадқиқ этиш масалалари алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада П.А.Николаев, А.С.Курилов, М.Б.Лоскутникова сингари рус олимлари миллий адабиётшунослик илмининг тарихи бўйича тадқиқот ишларини олиб борганлар².

Туркий халқлар адабиётшунослигида ҳам адабиёт ҳақидаги илмнинг ривожланиш тарихига оид қатор тадқиқот ишлари мавжуд. Хусусан, Н.Ш.Бабаев озарбайжон, З.Г.Курбанова лезгин, А.М.Закирзянов татар адабиётшунослигининг шаклланиши ва тараққиёти масаласини ўрганганлар³.

Қозоқ филологиясида Т.Какишевнинг миллий адабий танқид тарихи, Ж.Смағулов, А.Исимақованинг қозоқ адабиётшунослиги тарихи бўйича илмий изланишлари мавжуд⁴.

Ўзбек адабиётшунослигида Б.Назаров, Б.Валихўжаев, Б.Каримов, А.Расулов, Н.Рахимжонов, У.Жўрақулов, Ҳ.Болтабоев, Б.Йўлдошев, Қ.Қахрамонов⁵ сингари олимларнинг ўзбек адабий танқидчилиги ва адабиётшунослиги тарихи, шунингдек илмий ва назарий-эстетик, методологик асосларини ўрганишга бағишланган қатор ишлари яратилган.

² Курилов А.С. Литературоведение в России XVIII века. – Москва: Наука, 1981; Возникновение русской науки о литературе. Под ред. П.А.Николаева. – Москва: Наука, 1975; Лоскутникова М.Б. Русское литературоведение XVIII-XIX веков: Истоки, развитие, формирование методологий. – Москва: Флинта: Наука, 2009.

³ Бабаев Н.Ш. оғлы. Становление и развитие азербайджанского литературоведения: Автореф. дис. ... док. филол. наук. – Баку, 1989; Курбанова З.Г. Лезгинское литературоведение (Зарождение, становление и развитие): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2004; Закирзянов А.М. Основные направления развития современного татарского литературоведения (кон. XX–нач. XXI в). – Казан: Ихлас, 2011.

⁴ Какішев Т. Қазақ әдебиеті сынының тарихы. – Алматы: Санат, 1994; Смағулов Ж. Қазақ әдебиеттануы тарихы. – Алматы: Қазақ университеті, 1999; Ісімақова А. Алаш әдебиеттануы. – Алматы: Мектеп, 2009.

⁵ Назаров Б. Формирование и становление методологических принципов узбекской советской литературной критики: Дис. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1983; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи (X-XI аср). – Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (Қодирийшунослик мисолида): Филол. фан. док. ... дис.– Тошкент, 2002; Расулов А.Р. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси: Филол. фан. док. ... дис.. – Тошкент, 2002; Ўша муаллиф. Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006; Рахимжонов Н.Бадий сўз эстетикаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017; Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати: Филол. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 1998; Ўша муаллиф. Михаил Бахтин кашфиётлари / М.Бахтин. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. Рус тилидан У.Жўрақулов таржимаси. – Тошкент: Академнашр, 2015; Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фан. док. ... дис.– Тошкент, 1996; Йўлдошев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида услуб ва маҳорат муаммолари (60-70-йиллар): Филол. фан. док. ... дис.– Тошкент, 2000; Қахрамонов Қ. Адабий танқид: янгиланиш жараёнлари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида мазкур масала М.Нурмухамедов, И.Сағитов, Б.Исмаилов⁶ каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган. Шу билан қатор, таниқли мунаққид С.Ахметов миллий танқид ва адабиётшунослик тарихи бўйича тадқиқот ишини нашр қилдилар⁷. З.Шамуратова Қорақалпоғистонда адабий танқиднинг илк қадамлари бўйича изланиш олиб борди⁸.

1946 – 2010 йиллардаги даврда қорақалпоқ адабиётини изчил ўрганиш асносида кўплаб тадқиқотлар юзага келди. Миллий фольклор ва мумтоз адабиётини, ҳозирги замон адабиётини тадқиқ этиш борасида муҳим хулосалар ўрин олгани билан, қорақалпоқ адабиётшунослигининг тадрижий йўли яхлит тарзда махсус тадқиқот объектига айланмаган.

Бу ҳолат миллий адабиёт материалини ўрганиш натижасида қўлга киритилган ютуқларни қорақалпоқ адабиётшунослигининг шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари нуқтаи назаридан замон талабларига мос равишда системалаштириш ва умумлаштириш зарурлигини келтириб чиқармоқда.

Ушбу диссертацияда қорақалпоқ адабиётшунослигининг шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари масаласини ўрганишда асосан А.М.Закирзянов, Н.Ш.Бабаев, К.А.Баршт, З.Г.Қурбанова, Б.Каримов, С.А.Қасқабасов, Ж.Смағулов, А.Исимақова, М.Нурмухамедов, С.Ахметов сингари олимларнинг илмий-назарий фикрларига таянилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ФА-Ф1-ГОО2 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрлари назарий масалаларини тадқиқ этиш» (2012-2016), ФА-Ф-1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий адабиёт бўйича фундаментал изланишлар асосида қорақалпоқ адабиётшунослигининг шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини, илмий тафаккурнинг тадрижи хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорақалпоқ адабиётшунослигининг илдизларини, унинг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятларини тарихий-маданий жараён контекстида очиқ бериш;

⁶ Нурмухамедов М. Қарақалпақ совет әдебиятының раўажланыўына рус әдебиятының тәсири. – Нөкис: ҚМБ, 1956; Сағитов И.Т., Исмаилов Б. Зарождение и развитие каракалпакской литературной критики и литературоведения // Труды. Каракалпакский комплексный научно-исследовательский институт АН Узбекистана. - Выпуск первый. – Нукус: ККГИз, 1959.

⁷ Ахметов С. Каракалпак әдебий критикасы ҳам әдебият илиминиң тарийхынан. – Нөкис: Каракалпакстан, 1980; Ўша муаллиф. Каракалпак әдебий сыны. – Нөкис: Билим, 1993.

⁸ Шамуратова З. Каракалпакская литературная критика. Проблемы зарождения и становления: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1992.

миллий наср ва шеъриятни қорақалпоқ адабиётшунослигининг илмий-назарий аспектига нуқтаи назардан очиқ бериш;

қорақалпоқ адабиётини тадқиқ қилишдаги илмий тафаккур йўналишларини белгилаш;

қорақалпоқ адабиётшунослигининг ҳозирги ҳолатини ойдинлаштириш;

жаҳон адабиётшунослигида бадиий адабиёт материални ўрганишдаги етакчи методларни назарда тутган ҳолда қорақалпоқ адабиётшунослигида келгуси изланишлар йўналишларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини қорақалпоқ адабиётшунослигида мавжуд фундаменталь илмий-тадқиқот ишлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети қорақалпоқ адабиётшунослигининг шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-типологик, маданий-тарихий, тарихий-генетик, бадиий эстетик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ адабиётшунослигининг илмий-назарий ва методологик негизлари типологик жиҳатдан асосий тарихий-адабий даврлар контекстида очиқ берилган;

қорақалпоқ адабиётшунослигининг асосий манбалари масаласи миллий эстетик диднинг илмий-назарий билимлар тадрижидаги хизмати билан боғлиқликда аниқланган;

миллий наср ва шеърият бўйича қорақалпоқ адабиётшунослигида олиб борилган муайян тадқиқотлар асосида илмий тафаккурнинг тадрижи исботланган;

жаҳон адабиётшунослигида бадиий адабиёт материални ўрганишдаги етакчи методларни назарда тутган ҳолда қорақалпоқ адабиётшунослигининг ҳозирги ҳолати тадқиқ қилиниб, истиқболли тадқиқотлар йўналишлари ва уларни бажаришдаги мақсад ва вазифалар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ адабиётшунослигининг илдизлари ушбу илм-фан соҳасининг шаклланиши ва ривожланишининг муҳим омиллари сифатида тарихий-маданий жараённинг асосий даврлари контекстида очиқ берилган;

қорақалпоқ адабиётшунослигининг манбалари миллий эстетик дид, бошқа халқлар билан адабий-илмий алоқаси воситасида аниқланган;

қорақалпоқ адабиётшунослигининг шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий танқид билан узвий алоқадорликда очиқ берилган;

миллий адабиётни, хусусан наср ва шеъриятни тадқиқ этишдаги илмий ўй-фикрларни ойдинлаштириш орқали қорақалпоқ адабиётшунослигининг истиқболдаги вазифалари белгилаб олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда фойдаланилган назарий ва амалий маълумотларнинг ишончли илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва чиқарилган хулосалар қиёсий-типологик, маданий-тарихий, тарихий-генетик, бадиий эстетик

анализ методларига асосланганлиги, олинган натижаларнинг тегишли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда олинган натижалар ва илмий-назарий хулосалар туркий халқлар адабиётшунослиги тадрижининг ўзаро муштарак ва фарқли томонларини аниқлашда, уларни қиёсий урганиш истиқболларини белгилашда, қорақалпоқ адабиётшунослигини жаҳон адабиётшунослиги контекстида қиёсий-типологик, тарихий-генетик жиҳатдан кенг кўламда ўрганишда, шунингдек келгусида адабий жараён ва миллий адабиёт спецификасини тадқиқ этишда, наср ва шеърининг бадиий-эстетик моҳиятини ва ривожланиш қонуниятларини ойдинлаштиришда илмий манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация натижаларидан қорақалпоқ адабиётини ўрганишнинг назарий масалалари бўйича олий ўқув юртларида махсус курс ва семинарларни ташкиллаштиришда, дарсликлар ва ўқув кўлланмаларини яратишда, «Қорақалпоқ адабиёти тарихи», «XX аср қорақалпоқ адабиёти», «Мустақиллик даври қорақалпоқ адабиёти», «Адабиёт назарияси», «Қорақалпоқ адабий танқиди», «Адабиётшуносликка кириш», «Адабиётшуносликнинг илмий асослари» предметлари мазмунини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ адабиётшунослигининг шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

қорақалпоқ адабиётшунослигида адабий-илмий алоқаларга, хусусан адабиётларнинг мерослилиқ муносабати, оғзаки ва ёзма насрнинг алоқадорлигига оид илмий-назарий хулосалар И1-ФА-0-14244 «Қорақалпоқ халқ прозасининг илгари чоп этилмаган намуналарини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш (100 жилдлик «Қорақалпоқ фольклори» тўплами бўйича)» (2014-2015 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 14 сентябрдаги 17.01/94-сон маълумотномаси). Натижада диссертация хулосалари қорақалпоқ халқ прозасининг илгари чоп этилмаган намуналарини нашрга тайёрлашда ва чоп этишда асос бўлган;

қорақалпоқ адабиётшунослигида илмий тафаккурнинг тадрижига, хусусан ёзувчининг ўз устида ишлаш усулларига оид илмий хулосалар ижодкорларнинг амалий семинарларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 26 августдаги №56-сонли маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ адабиёти ва бадиий ижодиётга доир илмий-назарий қарашлар асосида ёш ёзувчиларнинг ижодий маҳорати такомиллаштирилган;

қорақалпоқ адабиётшунослигида наср ва шеърининг доир тадқиқотларда инсон тафаккури ва жамиятдаги қарашлар акс эттирилишига оид диссертацияда келтирилган хулосалардан «Қарақалпоқстан» радиоканалининг «Әдебиат хәм дәўир» (Адабиёт ва давр) эшиттиришида

фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2020 йил 16 октябрдаги 01-02/196-сон маълумотномаси). Натижада радиотингловчилар кенг оммасининг бадиий адабиётга қизиқувчанлигини орттиришга ва китобхонлик маданиятини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 илмий-амалий анжуман, жумладан 3 халқаро ва 4 республика илмий-амалий анжуманларда маъруза шаклида тақдим этилиб, илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 мақола, жумладан 5 республика ҳамда 1 хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, библиографик кўрсаткич (илова) ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 126 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва методлари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми сингари масалалар қайд этилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Қорақалпоқ адабиётшунослигининг шаклланиши ва ривожланишининг асосий омиллари**» деб номланиб, бобнинг «**Қорақалпоқ адабиётшунослигининг негизлари**» мавзусидаги биринчи фасли миллий адабиёт ҳақидаги илмнинг асосларини ўрганишга бағишланган.

Миллий тафаккурнинг шакли, илмий фикрлашни ўзида жамловчи система бўлмиш адабиётшунослик Қорақалпоғистонда XX асрнинг 20-30 йилларида пайдо бўлгани маълум. Албатта, ҳар қандай ҳодиса ўз-ўзидан, ҳеч қанақа манбасиз юзага келиши мумкин эмас, шу сабабдан ҳам қорақалпоқ халқининг дунёни идрок этишини ёрқин акс эттирувчи маданий-руҳий меросдаги бадиий-эстетик фикрлар билан адабий-назарий қарашлар элементлари, шунингдек бошқа халқларнинг илм-фанидаги ютуқлари қорақалпоқ адабиётшунослигининг тадрижий йўлини таъминловчи омиллар сифатида хизмат қилди. Шу билан бирга, XX асрнинг дастлабки чорагидаги тарихий воқелик, яъни қорақалпоқ халқининг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-

иктисодий, маданий турмушида юзага келган тубдан ўзгаришлар миллий адабиётшуносликнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида муҳим рол ўйнади.

Адабиётшунослик бадий сўз ижодиётининг моҳияти билан спецификасини, ижтимоий функциясини объектив тарзда тадқиқ этиш, адабий жараённинг қонуниятларини ўрганиш, адабиёт намуналарини бадий-эстетик баҳолашга асосланган. «Бу муҳим вазифалар ягона илмий тадқиқот ва методологик принциплар тизимига таянган ҳолда ечилиши лозим»⁹. Ушбу концепцияни қорақалпоқ адабиётшунослигининг босиб ўтган йўлини тадқиқ этишда ҳам эътибор марказига олиш зарур. Чунончи, қорақалпоқ адабий танқиди тарихини ўрганиш борасида С.Ахметов миллий танқиднинг илдизларини фольклор ва мумтоз адабиётдан қидиради ва: «табиатнинг чиройлигини тушуниш, ҳаётдаги яхшилик ва ёмонлик, одамнинг гўзаллигига баҳо бериш масалалари узоқ даврлардан буён мавжуд, яна у вақт ўтиши билан сайқалланиб, тўлиқтирилиб, муайян бир эстетик меъёрга тушди» деб ёзади¹⁰. Ушбу фикрлар нафақат қорақалпоқ танқиди, балки адабий танқид билан чамбарчас боғлиқ бўлган адабиётшуносликка ҳам тўлиқ тааллуқлидир.

Адабиётшунослик тарихини ўрганиш зарурлигини А.Курилов куйидагича асослаб берган эди: «у ёки бу мамлакатда адабиёт илмининг қачон ва қандай пайдо бўлиши ва шаклланиши масаласи ғоят муҳимдир <...> Бу адабиёт ҳақидаги ҳар бир халқга хос бўлган муайян бир билимлар доирасининг адабиёт тўғрисидаги илмга ўтишининг хусусияти масаласи, бунда ўша адабиётшунослик тафаккури, ўз қарашлари, тушунчаси ва билдириш шакли бўйича миллий бўлиб қолган ҳолда, энди умуминсоний моҳият касб этиб, оммавий мулкка айланади»¹¹.

Маълумки, Европа адабиётшунослигининг илдизлари антик даврлардан бошланади. Адабий-назарий билимларнинг юксалишида Аристотель (м.а. IV а.), Гораций (м.а. I а.), М.Вида (XVI а.), Ю.Скалигер (XVI а.), Н.Буалонинг (XVII а.) поэтикага оид трактатлари муҳим ўрин эгаллайди¹². М.Лоскутникова бевосита рус тадқиқотларининг тарихий-назарий характердаги илк миллий манбаси – «Игор полки ҳақидаги қисса»даги воқеликни тарихий-публицистик ва бадий-хаёлий ифодалашда намоён бўлишини, 1830-1840 йиллар атрофида адабиётшуносликнинг алоҳида илм-фан сифатида ўрнашини кўрсатади¹³. Яъни Россияда «адабиётшунослик илм сифатида XIX а. ўрталарига келиб шаклланди ва ўрнатилди. Айни шу вақтларда «сўзда чиройли ифодалаш ҳақида»ги иккита илмдан – поэтика ва риторикадан – ягона, битта бадий адабиёт назарияси шаклланди»¹⁴.

Туркий халқлар адабиётшунослигида ҳам миллий адабиёт илмининг босиб ўтган йўлига доир қатор фикрлар мавжуд. Жумладан, Е.Ўсмайылов,

⁹ Закирзянов А. Основные направления развития современного татарского литературоведения (кон. XX – нач. XXI в.). – Казань: Ихлас, 2011. – С.17.

¹⁰ Ахметов С. Қарақалпақ әдебий сыны. – Нөкис: Билим, 1993. – Б.6.

¹¹ Курилов А.С. Литературоведение в России XVIII века. – Москва: Наука, 1981. – С.4.

¹² История русского академического литературоведения: учебно-методический комплекс по спецкурсу для студентов-филологов. Сост. М.М.Сидорова. – Казань: Изд. Казанского госуниверситета, 2007. – С. 5.

¹³ Лоскутникова М.Б. Русское литературоведение XVIII–XIX веков. истоки, развитие, формирование методологий. – Москва: Флинта, 2009. – С. 24, 26.

¹⁴ Возникновение русской науки о литературе. – Москва: Наука, 1975. – С.10.

Т.Какишев, Ж.Смагулов ва Ж.Кенжебековалар қозоқ адабиётшунослиги тарихида бир қанча босқичларни кўрсатадилар. А.Исимақова бу борада: 1. Қозоқ адабиётшунослигининг бошланиши (қадимги давр адабиётидан бошлаб XX аср бошигача вақт оралиғи); 2. Қозоқ адабиётшунослигининг касб сифатида шаклланиши (1905-1930 йй.); 3. Шўро давридаги қозоқ адабиётшунослигининг шаклланиши (1926-1956 йй.); 4. Шўро давридаги қозоқ адабиётшунослигининг ривожланиши (1957-1990 йй.); 5. Мустақиллик даври адабиётшунослиги (1991йилдан буён) каби даврларни ажратади¹⁵.

«Ўзбек совет адабий танқиди тарихи»да миллий адабиётшунослик XX асрнинг 30-йилларида пайдо бўлиши, у 1920 йиллари 1917 йилгача миллий адабиётни илмий асосда ўрганишдан бошланиши ҳамда унинг қонуний равишда адабий танқиднинг ривожланиши натижаси улароқ юзага келиши кўрсатилади¹⁶. «Ўзбек адабий танқиди тарихи» муаллифлари эса «Ўзбек адабий танқидининг манбалари узоқ ўтмишга бориб тақалади» деган ҳолда, унинг тарихини XX аср тонгидан бошлаб очиб беришга ҳаракат қилишган¹⁷.

Тадқиқотчи З.Қурбанова томонидан лезгин адабиёти илми тарихида қуйидаги босқичлар тилга олинади: миллий адабиётшунослик илмининг манбалари (XIX асрнинг охиригача чорагидан бошлаб), 1920-1930 йиллар, 1940-1950 йиллар, 1960-1970 йиллар, 1980-1990 йиллар, ҳозирги замон лезгин адабиётшунослиги¹⁸. «Бошқурд адабиёти тарихи»да Бошқурдстон адабиётшунослиги яхлит тарзда олганда, адабиётдан кейинроқ, яъни 1920-йиллари қад тиклаши кўрсатилади. Китобда бошқурд адабиётшунослиги қиёсий тарзда олганда яқин вақт ичида алоҳида соҳа сифатида шаклланиши билан, адабий-ижтимоий тафаккур бошқурд адабиёти ривожланишининг ҳамма босқичларида умр суриши таъкидланади ҳамда ушбу илм-фан соҳасининг тарихида бир нечта босқичлар белгиланади¹⁹. Кўришиб турибдики, адабиётшунос олимлар томонидан у ёки бу миллат бадиий сўзи ҳақидаги илм тарихини тадқиқ қилишда қонуний равишда мазкур соҳанинг манбаларини кўзда тутиши намоён бўлади.

Қорақалпоқ адабиётшунослиги тарихига оид маълумотларни М.Нурмухамедов, И.Сағитов, Б.Исмаилов, Ж.Нарымбетов, С.Ахметов сингари қатор олимларнинг ишларида учратиш мумкин. Масалан, И.Сағитов ва Б.Исмаиловнинг «Қорақалпоқ адабий танқиди ва адабиётшунослигининг туғилиши ва ривожланиши» мақоласида ушбу илм-фан соҳасининг тарихий йўли иккита даврга ажратилган²⁰. Ушбу соҳа тарихи С.Ахметовнинг «Қорақалпоқ адабий танқиди»да қуйидагича ўрганилади: 1) қорақалпоқ адабий танқидининг дастлабки даври (1930 йй.); 2) адабий танқиднинг

¹⁵ Исимақова А. Алаш эдебиеттануви. – Алматы: Мектеп, 2009. – Б.12.

¹⁶ Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки томлик. – Тошкент: Фан, 1987. – Т. I. – Б.199.

¹⁷ Назаров Б., Расулов А., Ахмедова Ш., Қахрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2012. – Б.34.

¹⁸ Курбанова З.Г.Лезгинское литературоведение (Зарождение, становление и развитие): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2004.

¹⁹ История башкирской литературы. – Москва: Наука, 1977. – С.469-484.

²⁰ Сагитов И., Исмаилов Б. Зарождение и развитие каракалпакской советской литературной критики и литературоведения // Труды. Каракалпакский комплексный научно-исследовательский институт. Вып. I.– Нукус: ККГИз, 1959. – С.161-181.

шаклланиб, анча ривожланган даври (1950-1960 йй.); 3) адабий танқиднинг етилишган, жанрий жиҳатдан ривожланган даври (1970-1980 йй.)²¹.

Лекин юқорида исмлари қайд этилган олимлардан қозоқ ва ўзбек адабиётшуносларининг фикр ва мулоҳазаларига қулоқ соладиган бўлсак, миллий адабиётшунослик тарихини эрта даврлардан бошлаб ўрганишнинг тўғри эканлигини тушуниб етамиз. Ҳақиқатан ҳам, қадимги Оссурия подшоҳи Хаммураппи билан боғлиқ «Аёллар подшолиги ҳақидаги эртак», милодгача V аср воқеаларини акс эттирувчи «Қирқ қиз» достони каби оғзаки адабиёт намуналари, шунингдек П.П.Иванов, С.П.Толстов, Т.А.Жданко, С.Камалов, М.Нурмухамедов сингари олимларнинг қорақалпоқ халқининг ўтмишига оид тадқиқотлари миллий адабиётшунослик тарихининг чегараларини анча кенгайтириш имкониятини беради.

Тадқиқотнинг мазкур фаслида қорақалпоқ адабиётшунослигининг жаҳон адабиётшунослигининг таркибий қисми сифатида ривожланиши тарихи типологик жиҳатдан таҳлил этилган ва тегишли хулосага келинган.

Диссертациянинг «**Қорақалпоқ адабиётшунослигининг манбалари: адабий-илмий алоқалар**» номли иккинчи фаслида қорақалпоқ адабиётшунослигининг тарихий илдизлари ҳақида маълумотлар умумлаштирилган.

Маълумки, адабиётшунослик илми асосий объект сифатида адабиётни ўрганади. Дарҳақиқат, адабиёт – элнинг қувончи ва мунггини, тарихи билан тақдирини баён этадиган шажара²², инсон индивидуаллиги, дунёсига беқиёс нуқтаи назарни билдирувчи сўздир²³. Шу билан бирга, адабиёт «одамларнинг ҳаётга, жамиятга бўлган қарашларини, дунёни идрок этишини англатишда ҳам бадий санъатнинг альтернативаси йўқ туридир»²⁴.

Миллий адабиётнинг юзага келиши ва тараққиётида поэтик сўз борасидаги бош фигура бўлмиш ёзувчи сиймоси, унинг истеъдоди, бадий тафаккури, ижодий маҳорати етакчи ўринни эгаллайди. Муаллифнинг бадий асар яратиш қобилиятини ойдинлаштиришда, унинг оригинал ижодиётида анъана ва новаторликни юзага чиқаришда адабий алоқалар муҳим ўрин эгаллайди. Ҳақиқатан ҳам, ижодкорнинг поэтик сўз соҳасидаги изланишлари, умуман олганда – адабиётнинг тўлақонли тараққий топишини адабий алоқаларсиз кўз ўнгимизга келтириш мушкулдир. Шундай экан, адабий алоқалар, ва шу билан бирга илмий алоқалар ҳам – бу адабиёт ва адабиётшуносликнинг бошқа халқлар тажрибасидан баҳра олиб, бойиб боришига ижобий таъсир қилувчи омиллардан биридир.

Адабий алоқалар қорақалпоқларнинг халқ сифатида юзага келиши даврига тўғри келадиган узоқ ўтмишданок мавжуддир, шу сабабдан ҳам бадий сўзни ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларда миллий

²¹ Ахметов С. Қарақалпақ әдебий сыны. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1993. – Б.22-23.

²² Махаш Гаухар Абдуғаппарқызы. XX ғасырдың II жартысындағы қазақ әдебий сыны және оны оқыту әдістемесі (1960-1990 жылдар): Филос. ғыл. док. ... дис. – Алматы, 2016. – Б.22.

²³ Баршт К.А. Русское литературоведение XX века. Учебное пособие. В 2-х ч. Ч. 2.– СПб: РГПУ им. А.И.Герцена, 1997. – С.84.

²⁴ Оразымбетов Қ. Ғәрезсизлик дәуири ҳәм қарақалпақ әдебияты // Оразымбетов Қ. Таңдамалы шығармалар топламы. Еки томлық. – Нөкис: Билим, 2018. – Т. II. – Б.107.

адабиётнинг манбаларига эътибор қаратилишини қонуний ҳолат, деб баҳолаш мумкин. Жумладан, қорақалпоқларнинг этногенезига оид маълумотларга таянган ҳолда, миллий адабиётшунослик асосчиси, олим Н.Даўқараев X-XII асрдан XX аср бошигача вақт ичида аждодларимизнинг Волга ва Урал дарёлари бассейналари, Орол ва Каспий денгизлари орасидаги даштликлар, Ғарбий Сибир, Қрим, Туркистон ва Хоразм минтақалари, шунингдек Сирдарё бассейнида яшаган қавмлар ва халқлар билан тарихий алоқаларига алоҳида урғу беради. Адабиётшунос олим тарихий хотиранинг қорақалпоқ халқининг яшаш тарзи ҳамда миллий адабиёт намуналарида сақланиб қолганлигини таъкидлайди²⁵.

Қорақалпоқ ёзувчиларининг ижодий изланишлари тўғрисидаги масала энг аввало Қ.Айимбетов томонидан давр талаби сифатида кун тартибига қўйилган эди²⁶. Бундан кейинги вақтда М.Нурмухамедов ўта бой тарихий материаллар асосида рус адабиётининг таъсирида қорақалпоқ адабиётида наср, драматургия, адабий танқиднинг пайдо бўлиши ва шаклланиши масаласини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилади ва, шу билан бирга, таржима масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратади²⁷.

Қорақалпоқларнинг Шарқ халқлари билан маданий муносабатлари қатор изланишларнинг юзага чиқишига замин яратди. Хусусан, таниқли олим К.Мамбетов Шарқ шеърляти билан яхши таниш бўлган қорақалпоқ шоирларининг етишиб чиқиши, шунингдек шарқий китоблар билан бир қаторда қорақалпоқ шоирлари асарларини халқ орасида ўқиш билан шуғулланувчи **қыссахан**ларнинг адабий муҳитда кўзга тушишини қорақалпоқларнинг ижтимоий, маданий тараққиётига қадим Хоразм цивилизациясининг таъсири ҳамда қорақалпоқлар муҳитига Шарқ мумтоз адабиёти намуналарининг кириб келиши билан тушунтиради²⁸. Ҳақиқатан ҳам, миллий маданиятни тадқиқ этиш материаллари шуни кўрсатадики, қорақалпоқлар юксак даражадаги халқ оғзаки ижодиётига эгадир. Кунхожа, Ажинияз, Бердақнинг новаторлиги ва ижодий индивидуаллиги уларнинг ўз ижодиёти орқали Шарқ ёзма адабиёти анъаналарини миллий адабиётга моҳирона синтезлашида намоён бўлди ва ушбу ҳолат поэтик сўз санъатининг бундан буён ривож топишида алоҳида аҳамият касб этди.

Тадқиқотнинг ушбу фаслида қорақалпоқ адабиётшунослигида мавжуд илмий ишлар асосида адабий-илмий алоқаларнинг миллий адабиёт ва адабиётшунослик тараққиётида муҳим омил вазифасини бажариши ўрганилди.

Диссертациянинг **«Қорақалпоқ адабиётини ўрганишнинг илмий-назарий аспекти»** деб номланган иккинчи бобининг **«Қорақалпоқ**

²⁵ Дәўқараев Н. Қарақалпақ әдебияты тарийхының очерклери (тарийхый-әдебий изертлеў). Биринши бөлим. Халық аўыз еки дөретиўшилиги//Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. Үш томлық. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Т. II. – Б. 45-92.

²⁶ Айымбетов Қ.Әдебият мәселелери менен жас жазыўшыларының ўазыйпалары (ойласық)// Мийнеткеш қарақалпақ. 16 апрель. 1931, № 33.

²⁷ Нурмухамедов М. Қарақалпақ совет әдебиятының раўажланыўына рус әдебиятының тәсири. – Нөкис: ҚМБ, 1956.

²⁸ Мамбетов К. Традиции восточных классиков в дореволюционной каракалпакской письменной поэзии: Автореф. дис. ... канд.филол. наук. – Нукус, 1968.

наsrнинг тадқиқ этилиши» мавзусидаги биринчи фаслида қорақалпоқ насрини тадқиқ этиш тенденциялари ўрганилади.

Ҳозирги замон қорақалпоқ адабиётида кенг ўрин эгаллаган наср ХХ асрнинг 20 йиллари иккинчи ярмида юзага келиб, ўзига хос тараққиёт йўлидан борди. Ушбу даврда Қорақалпоғистонда рўй берган ўзгаришлар миллий адабиётнинг тараққиёти характери билан белгилаб берган бўлса, миллий насрнинг юзага келиши ва илгари қадам қўйишида бошқа халқларнинг бадиий сўз борасидаги тажрибалари маълум даражада мактаб вазифасини ўтади. Ваҳоланки, 1920 йиллари бадиий сўз ижодиётида шеърият асосий ўринни эгаллаган бўлса, қорақалпоқ халқи ҳаётидаги воқеа ва ҳодисаларни янги тасвирлаш зарурлиги адабий жараёнда драматургия, сўнгра насрнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлди. Қорақалпоқ адабиётида насрнинг ривожлантириши Қ.Айимбетов энг аввало таклиф этган бўлса²⁹, илк насрий асарларнинг ёруғликка чиқиши билан, наشريёт саҳифаларида ёш қаламкашларнинг саводхонлигини оширишга йўналтирилган баъзи назарий мақолалар чоп этилди³⁰.

Қорақалпоқ адабиётида насрнинг туғилиши 1920 йиллар охири – 1930 йиллар бошига тўғри келади. Аммо ХХ асрнинг бошларигача миллий адабиётда насрнинг мавжуд эмаслиги бундан олдин насрий анъананинг йўқ эканлигини билдирмайди. Зеро, Б.Шалабаев қозоқ адабиётида насрнинг куртаклари фольклордан, энг аввало оғзаки **аңызлар** (ривоятлар) ва тарихий **жырлардан**³¹ бошланишини кўрсатади³². М.Нурмухамедов фольклор намуналарида насрнинг элементлари мавжуд бўлиб, тарихий ҳикоячиларнинг сиймоси, унинг тасвирлаш ва ифодалаш санъати маҳаллий ёзувчиларнинг баён шаклларига маълум даражада таъсир этганини таъкидлайди³³. Албатта, қорақалпоқ насри намуналарининг яратилиши ушбу йўналишда илк илмий фикрларнинг юзага чиқишига олиб келди. Масалан, Н.Дауқараевнинг «Қорақалпоқ адабиёти тарихининг очерклари»да (1951) қорақалпоқ фольклори ва мумтоз шеърияти билан бир қаторда 1950 йилгача миллий адабиёт материали қиёсий-тарихий метод асосида хронологик тартибда изчил ўрганилади, шунингдек насрнинг пайдо бўлиши ва унинг 1920-1949 йиллардаги ҳолати, ўзига хос хусусиятлари тўғрисида сўз юритилади.

1950 йилларнинг иккинчи ярмида миллий бадиий сўз ижодиётида йирик асарлар – романлар ёруғ юзини кўра бошлади. Бу ҳолат қорақалпоқ адабиётининг кўп жанрли насрига эга бўлишидан, миллий насрнинг ўз тадрижида янги босқичга кўтарилишидан дарак беришидир. Ушбу ижобий воқеа М.Нурмухамедовнинг «Қорақалпоқ насри» (1965) докторлик диссертациясида ўз аксини топди. Унда насрнинг бунёд бўлиши,

²⁹ Айимбетов Қ. Эдебиат маселелери менен жас жазыўшыларының ўазыйпалары (ойласық)// Мийнеткеш қарақалпақ. 16 апрель 1931, № 33.

³⁰ Сағитов И. Эдебиат теориясының маселелери // Қызыл Қарақалпақстан. №4, 1936. Ўша муаллиф. Эдебиат теориясы ҳаққында гүрринлер// «Эдебиатлы Қарақалпақстан» альманахы. 3 Китап. 1948; Айимбетов Қ., Кожуров О. Қарақалпақ эдебиятының түрлери// Қарақалпақ эдебияты хәм искусствосы. – Нөкис, 1939. - № 4, 5, 6, 7; 1940. - №1.

³¹ Жыр – қозоқ ва қорақалпоқ халқ оғзаки ижодиёти эпик жанри.

³² Шалабаев Б. История казахской прозы. – Алма-ата: Жазушы, 1968. – С. 15.

³³ Нурмухамедов М. Каракалпакская проза. – Ташкент: Фан, 1968. – С.11.

шаклланиши ва 1964 йилгача ҳолати адабий жараён билан ўзаро боғлиқликда қаралиб, адибларнинг реалистик асар яратишда маҳорат сари йўлидаги ютуқлари ва камчиликлари кенг йўсинда очиб берилади ҳамда насрнинг ривожланиш имкониятлари ойдинлаштирилади³⁴. 1960 йилларга келиб наср қорақалпоқ адабиётида асосий ўрин эгаллади. Бадиий сўз ижодиётининг юксалиш қадар қадамлари қорақалпоқ адабиётшунослигида миллий наср, шунингдек, у ёки бу насрий асар бўйича аввало мақола ҳажмидаги материаллар, сўнгра йирик тадқиқотларнинг юзага чиқишига асос яратди.

Хуллас, ушбу фаслда миллий насрнинг тадрижий йўлининг қорақалпоқ адабиётшунослиги материалида аксини топиши поэтик сўз ижодиётини ўрганишдаги илмий ўй-фикр тенденциялари нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

«Қорақалпоқ шеърияти бўйича илмий изланишлар» деб номланган иккинчи фаслда миллий адабиётшуносликда шеъриятни ўрганиш тенденциялари тадқиқ этилади.

Миллий адабиётга доир эрта давр адабий ёдгорликлари билан халқ оғзаки ижодиётининг маълум бир қисми, айниқса мумтоз адабиёт намуналари шеърий қаторлардан иборатдир. Аслида «қорақалпоқ маданияти ва шеърияти – милонинг биринчи мингйиллиги ўрталаридаги Турк хоқонлиги даврининг бадиий меросидир. Ўрта асрлик туркий ёзма ёдгорликларда қорақалпоқ фольклорига оид материалларнинг учрашиши ҳам бехосдан эмас»³⁵. Қорақалпоқ поэзиясига бадиий адабиёт материали сифатида эътибор қаратиш XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларига тўғри келади. Миллий шеърият энг аввало рус саёҳатчилари билан ўлкашунослар материалларида, қозоқ адабиёти, тарих, шунингдек лингвистикага оид манбаларда ўз аксини топди. Бу борадаги ишлар оригинал адабий матнларни тўплаб нашр қилишдан иборат бўлди. Айни шундай материалларга таяниб, А.Вамбери Ўрта Осиё халқларида шеъриятга ғоят мойилликнинг бор эканлигини таъкидлаган бўлса, Ш.Валиханов томонидан қорақалпоқларда кўшиқнинг (яъни шеъриятнинг – Т.Б.) юксак даражада бўлиши таърифланган³⁶.

1920 й. охири – 1930 й. бошларида республикада адабиёт билан бадиий санъатга қизиқиш ниҳоятда кучли бўлди. Миллий адабиётни ўрганишга доир дастлабки назарий фикрлар қорақалпоқ шеърияти, мумтоз адабиёт вакилларининг сиймоси билан асарлари, янги адабиётни бошловчи шоирлар диққат марказига тортилган мақолаларда ўз аксини топди ва ушбу материаллар орқали адабиётшуносликнинг илк тамал тошлари қўйилди³⁷. Худди шундай ҳолат қардош халқлар адабиётида ҳам ўрин олган эди. Масалан, татар адабиёти назариясининг шаклланиши ва ўрнаши бошқичларини ўрганган Д.Загидуллина қуйидагиларни ёзади: «Янги

³⁴ Нурмухамедов М. Қарақалпақская проза. – Ташкент: Фан, 1968.

³⁵ Оразымбетов Қ. Қарақалпақ поэзиясы ҳаққинда бирер сөз // Оразымбетов Қ. Таңламалы шығармалар топламы. Еки томлык. – Нөкис: Билим, 2018. – Т. II. – Б.131-132.

³⁶ Валиханов Ч.Ч. Сочинения. Записи Русского географического общества по отделению этнографии. – СПб, 1904. – Т. XXIX. – С.223.

³⁷ Ахметов С. Қарақалпақ әдебий сыны. – Нөкис: Билим, 1993. – Б. 63-64;123-127.

культурологик йўналиш – Шарқдан Ғарбга – адабиётдаги янги тенденцияларнинг шаклланиши учун импульс бўлди. Адабиёт янги жанрлар ва усуллар билан бойиб борди. Умумий тенденция – миллий муаммоларга юқори қизиқувчилик бўлди»³⁸.

Қорақалпоғистонда ҳам миллий адабиёт масалаларини ўрганишда интилишлар кузатилди. Хусусан, нашриёт саҳифаларида адабиёт назариясига доир лекция шаклидаги ҳамда маслаҳатга чорловчи мақолалар чоп этила бошлади, мумтоз шеърят бўйича маърузалар қилинди, айниқса қорақалпоқ адабиётининг турларини тавсифлаш орқали назарий масалаларни ечиш сари қадамлар қўйилди³⁹. Миллий адабиётшуносликнинг илк қадамларидаёқ Н.Дауқараев «мумтоз адабиётни, шу жумладан Бердақ шоирнинг ижодини тадқиқ этишда Қорақалпоғистонда адабиёт илмини бошлаб берди»⁴⁰. Қорақалпоқ адабиётшунослигида илк фундаментал тадқиқотнинг яратилиши ҳам Н.Дауқараев исми билан боғлиқдир⁴¹. Мазкур тадқиқотда мумтоз адабиётнинг бир асрлик ривожланиш йўлига доир маълумотлар умумлаштирилиб, тавсифнома берилган. Олимнинг «Қорақалпоқ адабиёти тарихининг очерклари» докторлик диссертациясида эса миллий адабиётнинг ривожини кенг тарзда тавсифланган. Тадқиқотнинг салмоқли қисми миллий шеърят материални тарихий аспектда ўрганишга қурилган бўлиб, унда фольклор материали бадиий тур ва жанрлар жиҳатидан системалаштирилган. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу илмий иш юзага чиққан даврга келиб туркий халқлар адабиётини ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотлар мавжуд эди. Ваҳоланки, 1920 йиллар охири – 1930 йиллар бошида туркий халқлардан туркман (Самойлович, 1929), чуваш (Васильев, 1930) якут (Мордвинов, 1934) адабиёти бўйича очерklar яратилди. Бу ҳолат Н.Дауқараевнинг илмдаги бошқа халқлар адабиётини тадқиқ этиш тажрибасидан маълум даражада хабардор бўлганини англатади.

1950 йиллар бошида қорақалпоқ адабиётини ўрганишдаги сусайиш, адабий-илмий фикрлашдаги юзакилик, бир йўсинда баҳолаш каби салбий ҳолатлар ўринли тарзда танқидга учради. Бу вазият адабий ижод билан илмий изланишларга қўйиладиган талаблар, ижодкорнинг жамият олдидаги жавобгарлиги каби муҳим масалаларнинг юзага чиқишига олиб келди. Бу ҳолатни адабий танқиднинг тараққиёти, китобхонлар оммасида эстетик диднинг етилиши, бадиий-адабий, илмий ўй-фикрнинг ривожланиши билан тушунтириш мумкин, лекин одилана танқид, бадиий асарни холисона баҳолаш, инсоннинг ижодий эркинлиги ҳақида сўз юритишга ҳали эрта эди.

М.Нурмухамедовнинг «Қорақалпоқ адабиётининг ривожланишига рус адабиётининг таъсири» тадқиқотида адабий алоқаларни ўрганиш борасида XX асрнинг дастлабки чорагидан бошланадиган янги мазмундаги миллий

³⁸ Загидуллина Д.Ф. Формирование и этапы становления теории татарской литературы (первая треть XX века): Автореф. дис.... док. филол. наук. – Казань, 2001. – С. 29.

³⁹ Айымбетов Қ., Кожуров О. Қарақалпақ әдебиятының түрлери // Қарақалпақ әдебияты хәм искусствосы. – Нөкис, 1939. - № 4, 5, 6, 7; 1940. - № 1.

⁴⁰ Ахметов С. Қарақалпақ әдебий сыны. – Нөкис: Билим, 1993. – Б.– 63.

⁴¹ Давқараев Н. Очерки по истории дореволюционной каракалпакской литературы: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1946.

адабиётда шеърий асарларнинг яратилиши ва уларнинг таржимаси масалалари таҳлилга тортилади.

Бевосита шеъриятни ўрганишга асосланган тадқиқотларнинг юзага чиқиши 1950 йиллар ўртасига тўғри келади, бу 1920-1930 йиллар қорақалпоқ шеъриятининг тарихий йўли масаласини ўрганишга бағишланган С.Ахметовнинг «Иккинчи жаҳон уришигача даврда қорақалпоқ шеърияти» тадқиқотидир. XX асрнинг 50 йилларида туркий халқлардан ўзбек, қозоқ, озарбайжон, башқурд, якут, татар адабиётшунослигида адиблар ижодиёти бўйича илмий ишлар ёруғ юзини кўрди⁴². Қорақалпоқ адабиётини тадқиқ этишда ҳам қатор изланишлар пайдо бўлиб, уларда шоир А.Мусаев ижодиёти тадқиқ этилди, миллий бадий сўз ижодиётида хотин-қизлар образи, овул одамлари образи яратилиши масаласини ўрганиш жараёнида шеърий ижод намуналари ҳам махсус бобда таҳлилга тортилди⁴³. Юқорида қайд қилинган тадқиқотлар ичида Г.Есемуратовнинг изланиши муаллифнинг адабий материалга ёндашиши ва бошқа олимларнинг илмий ишларига ўзига хос муносабати билан фарқланади⁴⁴. Бу ҳолат адабиётшунос олимларда илмий тадқиқотнинг спецификаси тўғрисида етарлича тушунчаларнинг шаклланиб бориши, шунингдек илмий таҳлил қилиш ва баҳолаш жараёнида уларнинг объективликка интилишини англатади.

Аввал ўрганилмаган, янги масалалар қаторида Иккинчи жаҳон уруши йилларида қорақалпоқ шеъриятининг тарихий ўсиш йўллари, А.Дабылов ва С.Нурымбетовнинг ижодий йўли тадқиқот объектига айлантирилди, 1950-1960 йилларда қорақалпоқ лирикасининг мавзуй, ғоявий ва бадий жиҳатдан ўсиши, асосий йўналишлари очиб берилди, ҳозирги қорақалпоқ поэмалари тадқиқ қилинди. К.Худайбергеновнинг «Ҳозирги қорақалпоқ шеъриятида лирик қаҳрамон муаммоси»⁴⁵, Қ.Байниязовнинг «Аяпберген Мусаевнинг поэтик стили хусусиятлари»⁴⁶ адабий танқидта ижобий баҳоланди. Қ.Муратбаевнинг «Қорақалпоқ шеъриятида шеър тузилиши» (1977) эса яқунланмай қолган тадқиқот бўлишига қарамасдан, назарий йўналишдаги юқори савияли илмий ишлар қаторидан ўрин олди⁴⁷. Дарҳақиқат, бундан илгари адабиёт материални тарихий, ғоявий-мавзуй жиҳатдан таҳлил қилишга кўпроқ эътибор қаратилишини назарда тутсак, К.Худайбергенов ва Қ.Байниязовнинг тадқиқотлари қорақалпоқ адабиётшунослигида соф назарий масалаларга қурилган изланишларга йўл

⁴² Стеблева И.В. Литературы на тюркских языках // Изучение литератур Востока. Россия, XX век. – Москва: Восточная литература, 2002. – С. 176-178.

⁴³ Жапаков Н. Аяпберген Муўсаевтың творчествосы. – Нөкис: ҚМБ, 1964; Насурлаева З. Қарақалпақ совет әдебиятында ҳаял-қызлар образы. – Нөкис: ҚМБ. 1963; Есемуратов Г. Уллы Ўатандарлық урыстан кейинги жыллардағы қарақалпақ совет әдебиятында аўыл адамлары образы (1945-1960). – Нөкис: ККГИз, 1963.

⁴⁴ Есемуратов Г. Уллы Ўатандарлық урыстан кейинги жыллардағы қарақалпақ совет әдебиятында аўыл адамлары образы (1945-1960). – Нөкис: ККГИз, 1963. – Б.11, 17.

⁴⁵ Худайбергенов К. Проблема лирического героя в современной каракалпакской поэзии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967.

⁴⁶ Байниязов К. Особенности поэтического стиля Аяпбергена Мусаева (в сравнительном аспекте). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Нукус, 1968.

⁴⁷ Оразымбетов Қ. Ҳазирги дәуирдеги қарақалпақ лирикасында көркемлик излениўшилиқ (80-жыллар). – Нөкис: Билим, 1993. – Б.8.

очди, дея таъкидлаш мумкин. Чиндан ҳам, миллий адабиётшуносликда бир неча йиллардан сўнггина бундай изланишлар кенг ўрин олди.

Диссертациянинг мазкур фаслида қорақалпоқ шеъриятини тадқиқ этиш тенденцияларини ўрганиш асосида Қорақалпоғистонда илмий-назарий ўй-фикрларнинг ўсиб, илмий ишларда масалани қамраб олиш доирасининг кенгайиб бориши тўғрисида хулосалар чиқарилган.

«Қорақалпоқ адабиётшунослигининг истиқболлари»га бағишланган учинчи бобнинг биринчи фаслида **«Қорақалпоқ адабиётшунослигининг хозирги ҳолати»**га оид материаллар таҳлил қилинди.

